

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАСАНОВА РИСОЛАТ БАҲОДИРОВА

БОШҚАРУВ ҲИСОБИДА ТРАНСФЕРТ БАҲОНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ВА СЕГМЕНТАР ҲИСОБОТ ТУЗИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Economics Sciences**

Ҳасанова Рисолат Баҳодировна

Бошқарув ҳисобида трансферт баҳони шакллантириш ва сегментар
ҳисобот тузишни такомиллаштириш 3

Ҳасанова Рисолат Баҳодировна

Совершенствование формирования трансфертного ценообразования и
составления сегментарной отчетности в управленческом учете..... 27

Hasanova Risolat Bahodirovna

Improving the formation of transfer pricing and the preparation of
segmental reporting in management accounting..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 58

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАСАНОВА РИСОЛАТ БАҲОДИРОВА

БОШҚАРУВ ҲИСОБИДА ТРАНСФЕРТ БАҲОНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ВА СЕГМЕНТАР ҲИСОБОТ ТУЗИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PhD/Iqt480 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziyouet» ахборот-таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Кўзиев Исломжон Насматович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ибрагимов Абдуганур Каримович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Исманов Иброҳим Набиевич иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 9 » сентябрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй, Тел.: (71) 239-28-72; факс: (71) 239-43-51; e-mail: tdu@tdu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1079 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй, Тел.: (71) 239-28-72; факс: (71) 239-43-51; e-mail: tdu@tdu.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил « 26 » август куни тарқатилди.
(2021 йил « 26 » август даги 30 рақамли реестр баённомаси).



Н.Х. Жумаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Т. Бердияров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., доцент

С.К. Худойкулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ҳукм сураётган «COVID-19» пандемияси тўхтовсиз ривожланиб бораётган тўқимачилик саноати учун жиддий қийинчиликларни туғдирди. «Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра, 2020 йилнинг биринчи ярмида жаҳонда тўқимачилик савдоси суръати кескин пасайди. Европа Иттифоқи, АҚШ ва Япониянинг асосий харидор ҳудудларига қилинадиган экспорт ҳажми қарийб 70%га камайди».¹ Дунё тўқимачилигининг йирик ишлаб чиқарувчилари ва экспортчилари ҳисобланган Хитой, АҚШ, Ҳиндистон ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатлари иқтисодий ўсишнинг кескин пасайиши, ўрнатилган чекловлар ва тўсиқлардан зарар кўришди.

Жаҳондаги нуфузли компанияларда молиявий ҳолатни барқарорлаштириш, янги иш ўринларини яратиш ва иқтисодий ўсишга эришиш мақсадида «бошқарувнинг халқаро стандартларига ўтиш, кластер ва кооперация тизимидаги субъектларда молиявий битимлар тузиш жараёнида трансферт баҳолардан фойдаланиш, операцион сегментлар бўйича молиявий ва бошқарув ҳисоботларини тақдим этиш»² лозимлиги белгилаб қўйилган. Халқаро тажриба мазкур муаммоларнинг назарий-услубий ва ташкилий жиҳатлари бўйича етарлича ахборотлар базаси шакллантирилганлиги, бу борада махсус илмий-инновацион тадқиқотлар олиб борилаётганлигига гувоҳлик бермоқда. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, «Буюк Британия ва АҚШ компаниялари ўртасида АҚШ Федерал солиқ хизмати (IRS) томонидан савдо битимлари жараёнида трансферт баҳони шакллантиришда роялти ва бошқа харажатларни ноқонуний тақсимлаш натижасида олинган 3,4 млрд. долларлик даромадни Англияда жойлашган Бош корхонага қайтарилганлиги»³ масаланинг жиддий ва муҳимлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда кластерлар фаолиятини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини тизимли ҳал этишга қаратилган стратегик дастурлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, мақсадли халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш»⁴ вазифаси қўйилган. Бироқ амалдаги молиявий бухгалтерия ҳисоби тақдим этаётган ахборотлар бозор муносабатлари талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Кластер

¹ <https://www.mordorintelligence.com/industry-reports/global-textile-industry---growth-trends-and-forecast-2019---2024>

² Руководство по трансфертному ценообразованию в отношении финансовых сделок: Всеобъемлющие рамочные механизмы плана BEPS: Задачи 4, 8-10, ОЭСР (2020), Париж, www.oecd.org/tax/beps/transfer-pricing-guidance-on-financial-transactions-inclusive-framework-on-beps-actions-4-8-10.htm.

³ <https://www.journalofaccountancy.com/issues/2013/oct/20137721.html>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/4567334>

тизимдаги корхоналарда оқилона бошқарув қарорларини қабул қилишга иқтисодий замин бўладиган трансферт баҳо ва сегментар ҳисобот тузиш услубиёти яратилмаган, менежерлар эҳтиёжлари учун тижорат сири кўринишидаги ахборотлар базаси шакллантирилмаган. Бошқарув ҳисобида трансферт баҳони шакллантириш ва сегментар ҳисобот тузишнинг назарий-услубий ҳамда ташкилий асосларини такомиллаштириш зарурати тадқиқот иши мавзусининг долзарблигини белгилади, мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш учун асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий, ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кластерларни бошқариш, уларда трансферт баҳони шакллантириш ва сегментлар бўйича ҳисобот юритиш муаммолари хориж олимлари, жумладан, Ж.Саллет, Г.Бекес, П.Мартин, Т.Майер, К.Друри, К.Гарретт кабиларнинг асарларида тадқиқ этилган⁵.

МДҲ мамлакатларида кластерларнинг ташкилий масалалари, уларда трансферт баҳо белгилаш ва сегментар ҳисобот тузиш соҳасида С.Древинг, Ю.Лаврикова, С.Пятинкин, Т.Быкова, М.Вахрушина, Е.Кузнецова, Н.Воронкова каби олимлар илмий-тадқиқотлар олиб борганлар⁶.

⁵ Jonathan Sallet, Ed Paisley. Innovation Clusters Create Competitive Communities. Huff Post Social News September 21, 2009.; Gabor Bekes. Clusters, Science Parks and Regional Development (Strategies and Policies in Hungary). Presentation at UNECT TOS-ICP Geneva 14 February, 2008.; Martin P., Mayer T., Mayneris F. (2010) Public support to clusters: A firm level study of French «Local productive systems». Mimeo. University of Paris I. Электронный ресурс: <http://perso.uclouvain.be/florian.mayneris/rsue.pdf>; Colin Drury. Management and Cost Accounting: - 10th edition, Cengage Learning EMEA, Cheriton House, North Way, Andover, Hampshire SP10 5BE. United Kingdom, 2018. ISBN: 978-1-4737-4887-3.; Ken Garrett is a freelance writer and lecturer. Transfer prices are almost inevitably needed whenever a business is divided into more than one department or division. <https://www.accaglobal.com/sg/en/student/exam-support-resources/fundamentals-exams-study-resources/f5/technical-articles/transfer-pricing>

⁶ Древинг С.Р. Зарубежный опыт формирования кластеров как перспективного направления развития экономики инноваций// Проблемы современной экономики, 2009. – № 4. – С. 43-47.; Лаврикова Ю.Г. Кластеры: стратегия формирования и развития в экономическом пространстве региона. – Екатеринбург:

Ўзбекистонда кластерларни ташкил этиш, уларда ҳисоб ва таҳлил ишларини юритишнинг назарий-услубий жиҳатлари А.Бекмурадов, Г.Захидов, Д.Курбанова, Д.Мирзахалилова, Д.Абдиева, К.Ахмеджанов, А.Ибрагимов, Б.Хасанов, Б.Исроилов, Н.Ризаев, Я.Карриева, З.Хакимов, Н.Абдусаломова, Б.Махсудов, Р.Холбеков, Ш.Эргашева, Н.Хажимуратов, К.Ҳотамов, М.Калонов⁷ ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ўрганилган, аммо мазкур тадқиқотларда пахта-тўқимачилик кластерларида трансферт баҳо ҳамда сегментар ҳисобот тузишнинг хусусиятлари ҳисобга олинмаган.

Юқоридаги ҳолатлар пахта-тўқимачилик кластерларини бошқариш самарадорлигини ошириш, уларда трансферт баҳони шакллантириш ва сегментар ҳисобот тузишга қаратилган мазкур тадқиқот мавзусининг муҳимлиги ҳамда долзарблигини белгилаб беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг «Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика соҳалари тараққиётини концептуал йўналиши» режаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошқарув ҳисобида трансферт баҳони шакллантириш ва сегментар ҳисобот тузиш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Институт экономики УрО РАН, 2008. – 232 с.; Пятинкин С.Ф., Быкова Т.П. Развитие кластеров: сущность, актуальные подходы, зарубежный опыт. – Минск: Тесей, 2008. – 72 с.; Вахрушина М.А. Внутрипроизводственный учет и отчетность. Сегментарный учет и отчетность. Российская практика: проблемы и перспективы. – М.: «АКДИ Экономика и жизнь», 2000. – 192 с.; Кузнецова Е.В., Воронкова Н.Ю. Трансфертное ценообразование как инструмент повышения рентабельности проектной деятельности. – М.: ж. «Аудит и финансовый анализ». №1. 2014. с. 341

⁷ Бекмурадов А.Ш., Янг Сон Бэ. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана. Кластерный подход. – Т., 2006. – 247 с.; Захидов Г.Э. Ўзбекистон енгил саноатида ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиш ва бошқариш самарадорлиги. Иқт. фанл. б-ча фалс. докт. (Phd) диссер. автореферати. –Т.: 2017, 53 б.; Курбанова Д.М. Перспективы формирования инновационных кластеров в Узбекистане// -Т.: «Рынок, деньги и кредит». - 2011 - №1. – С. 43.; Мирзахалилова Д.М. Повышение конкурентоспособности промышленности Узбекистана на основе кластеризации (на примере текстильной промышленности). Дисс. на соиск. канд. экон. наук.; Абдиева Д.А. Маркетинг ёндашувлари асосида тикув-трикотаж корхоналари экспорт салоҳиятини ошириш. Иқт. фанл. б-ча фалс. докт. (Phd) диссер. автореферати. –Т.: 2021, 58 б.; Ахмеджанов К.Б. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Иқт. фанл. докт. диссер. автореферати. –Т.: 2016.; Ибрагимов А.К., Хасанов Б.А., Ризаев Н.К. Амалий бошқарув ҳисоби. –Т.: «Молия». 2014. – 404 б.; Исроилов Б.И. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари. –Т.: «Ўзбекистон». 2006. – 272 б.; Карриева Ё. Ўзбекистонда кластерлар фаолиятини инновацион ривожлантиришда логистикани қўллаш. Бизнес-эксперт журналы 2019 йил 6-сон.; Хакимов З. Тўқимачилик саноатида кластерларни шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги. Бизнес-эксперт журналы 2019 йил 4-сон; Абдусаломова Н.Б. Бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат ва бюджетлаштириш услубиятини такомиллаштириш. Иқт. фанл. докт. (DSc) диссер. автореферати. –Т.: 2019, 76 б.; Махсудов Б.Ю. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш методологиясини такомиллаштириш. Иқт. фанл. докт. (DSc) диссер. автореферати. –Т.: 2018, 70 б.; Холбеков Р.О. Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилишнинг тамойиллари ва услубиёти. Иқт. фанл. докт. диссер. автореферати. –Т.: 2006; Эргашева Ш.Т., Хасанова Р.Б. Чет мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби. - Т.: «Fan va texnologiya», 2017, 232 бет.; Хажимуратов Н.Ш. Акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисобот аудитини такомиллаштириш. Иқт. фанл. б-ча фалс. докт. (Phd) диссер. автореферати. –Т.: 2018, 56 б.; Ҳотамов К.Р. Билвосита солиқлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш. Иқт. фанл. докт. диссер. автореферати. –Т.: 2016, 76 б.; Калонов М.Б. Корхоналарда даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили методологиясини такомиллаштириш. Иқт. фанл. докт. (DSc) диссер. автореферати. –Т.: 2019, 64 б.

пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асослари, ташкилий механизми ва бу борадаги халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш;

бошқарув ҳисобида трансферт баҳо ва сегментар ҳисоботнинг назарий ҳамда ташкилий-услубий асосларининг моҳияти ва мазмунини очиқ бериш;

хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув самарадорлигини ошириш мақсадида трансферт баҳо ва сегментар ҳисоботнинг мазкур йўналишдаги илмий мактаблари қарашларини танқидий ўрганиш, хулосаларини умумлаштириш, муаммоларни тизимлаштириш;

тадқиқ этилаётган муаммо моҳияти юзасидан шаклланган тасаввурларни тўлдирувчи турли тушунчаларга муаллифлик таърифларини илмий асослаш;

трансферт баҳони шакллантириш ва сегментар ҳисобот тузишни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган услубий тавсиялар ҳамда амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пахта-тўқимачилик кластерлари тизимидаги корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, бошқарув ҳисобида трансферт баҳо ва сегментар ҳисобот тузишнинг ташкилий ва услубий жиҳатларини ўзида мужассамлаштирувчи иқтисодий муносабатлар тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда индукция, дедукция, қиёслаш, гуруҳлаш, таҳлил ва синтез ҳамда шу каби иқтисодий-математик усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пахта-тўқимачилик кластерларида оралиқ маҳсулотни чуқур қайта ишлаш натижасида юқори қўшилган қиймат занжири ва трансферт баҳони шакллантиришнинг дифференциал усули ишлаб чиқилган;

пахта-тўқимачилик кластерлари операцион сегментлари даражасида трансферт баҳо ва қўшилган қиймат занжири бўйича консолидациялашган ҳисобот шакллари ҳисоб сиёсатида акс эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

кластер тизимидаги хўжалик сегментлари ва уларнинг қуйи бўлинмаларида инвестицияланган капитал даромадлилиги(ROE)га даромад рентабеллиги ва активлар айланиши омиллари таъсирини ҳисоблашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

кластерларда трансферт баҳони шакллантиришда соф фойданинг ўсишига банк кредитлари, маҳсулот ҳажми ва меҳнат ресурслари каби омиллар таъсирининг 2025 йилгача бўлган прогнози ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кластерларда трансферт баҳони шакллантиришнинг қиймат ёндашувини татбиқ этиш, жавобгарлик марказининг фойда нормасини корхонанинг ҳисоб сиёсатига киритиш ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини аниқлашда КРІ усулини қўллаш бўйича тавсиялар берилган;

пахта-тўқимачилик кластерида трансферт баҳо ва қўшилган қиймат занжири бўйича тўрт босқичли консолидациялашган ҳисоботнинг такомиллашган шакли таклиф қилинган;

трансферт баҳони шакллантиришнинг халқаро амалиётдаги муқобил сценарийси асосида ҳар бир бўлинманинг фойдасини «Калькуляция варақаси»га киритилиши юзасидан амалий тавсиялар асосланган;

«Фойда ва зарарлар тўғрисидаги сегментар ҳисобот»нинг АКТда қайта ишлашга мўлжалланган унификациялашган шакли тавсия қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий-услубий ёндашув ва усулларга, расмий манбалардан олинган маълумотларга, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий статистик маълумотларига, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётда жорий этилганлигини тасдиқловчи маълумотномаларга, шунингдек, пахта-тўқимачилик кластерлари субъектларининг амалий маълумотлари таҳлилига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижаларнинг назарий жиҳатдан асосланганлиги, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар пахта-тўқимачилик кластерлари учун трансферт баҳони шакллантириш ва сегментар ҳисобот тузиш натижасида олинган бошқарув ахборотларни назарий-ташкилий жиҳатдан тадқиқ қилишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларининг концептуал йўналишларини белгилашда фойдаланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Амалий аҳамияти кластер тизимидаги корхоналарда бошқарув сегментар ҳисобот ахборотларини халқаро стандартлар асосида ташкил этишни такомиллаштириш йўналишлари бўйича ички хўжалик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, олий ва ўрта махсус таълим тизимида ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишда қўлланилиши, натижада самарали бошқарув қарорлари қабул қилишга шароит яратилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Кластер тизимидаги корхоналарда трансферт баҳони шакллантириш ва сегментар ҳисобот тузиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пахта-тўқимачилик кластерларида оралик маҳсулотни чуқур қайта ишлаш натижасида юқори қўшилган қиймат занжири ва трансферт баҳони шакллантиришнинг дифференциал усули бўйича таклифи «Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмасининг 2021 йил 5 апрелдаги 11-сон баённомаси билан уюшма таркибидаги корхоналар амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмасининг 2021 йил 5 апрелдаги 01/22-66-сон маълумотномаси). Кластер тизимидаги корхоналарда бошқарув ҳисобининг самарали усуллари қўлланилиши натижасида пахтани қайта ишлашда бир бирлик маҳсулот қиймати 1 АҚШ долларидан мато тўқиш жараёнигача 7 АҚШ долларига ўсиши таъминланган;

пахта-тўқимачилик кластерлари операцион сегментлари даражасида трансферт баҳо ва қўшилган қиймат занжири бўйича консолидациялашган ҳисобот шакллари ҳисоб сиёсатида акс эттиришга оид таклифи Ўзбекистон Республикаси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 9 июлдаги 16-сон баённомаси билан уюшма таркибидаги корхоналар фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг

2021 йил 9 июлдаги 03/20-2109-сон маълумотномаси). Мазкур тавсияни корхонанинг ҳисоб сиёсатига киритилиши натижасида самарали бошқарув қарорлари қабул қилишга имконият яратилган;

кластер тизимидаги хўжалик сегментлари ва уларнинг қуйи бўлинмаларида инвестицияланган капитал даромадлилиги(ROE)га даромад рентабеллиги ва активлар айланиши омиллари таъсирини ҳисоблаш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 9 июлдаги 16-сон ва «OQ SAROY KLASTER» МЧЖнинг 2021 йил 26 июлдаги 20-сон баённомалари билан корхоналар фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 9 июлдаги 03/20-2109-сон ва «OQ SAROY KLASTER» МЧЖнинг 2021 йил 26 июлдаги 379/01-сон маълумотномалари). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида «OQ SAROY KLASTER» МЧЖда жавобгарлик марказлари бўйича даромад рентабеллиги 1,2% ва активлар айланиши 0,7 коэффициентга, жами активлар рентабеллиги 0,84%га ошишига эришилган;

кластерларда трансферт баҳони шакллантиришда соф фойданинг ўсишига банк кредитлари, маҳсулот ҳажми ва меҳнат ресурслари каби омиллар таъсирининг 2025 йилгача ишлаб чиқилган прогнозига оид таклифи «Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмаси 2021 йил 5 апрелдаги 11-сон ва «NAVBAHOR TEKSTIL» МЧЖнинг 2021 йил 13 апрелдаги 5-сон баённомалари билан уюшма таркибидаги корхоналар амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмасининг 2021 йил 5 апрелдаги 01/22-66-сон ва «NAVBAHOR TEKSTIL» МЧЖнинг 2021 йил 13 апрелдаги 285-сон маълумотномалари). Мазкур таклифни амалиётга жорий этилиши натижасида юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш ва соф фойдани 2020 йил бошига 577,8 млн. сўмдан йил охирига 1607,1 млн. сўмга ошишига эришилган. Бу кўрсаткич 2025 йил якунига бориб 8-10 мартагача ошиши прогноз маълумотлари асосида аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, жумладан, 6 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ҳамда ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, миллий ОАК эътироф этган журналларда 5 та, нуфузли хорижий журналларда 3 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференциялари тўпламларида 12 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби Кириш, урта боб, Хулоса, Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 154 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган,

республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқарув ҳисоби тизимида трансферт баҳони шакллантириш ва сегментар ҳисобот тузишнинг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи боби кластер тизимини иқтисодий аҳамияти, ташкилий тамойиллари ва бошқарув механизмнинг хусусиятлари, корхонанинг баҳо сиёсати тизимида трансферт баҳонинг тутган ўрни, унинг моҳияти ҳамда шакллантириш тамойиллари, сегментар ҳисобот тузишнинг назарий жиҳатлари ва уни кластерларда қўллаш усулларига бағишланган.

Хорижий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кластерлар ишлаб чиқариш самарадорлиги ва инновацияларни сезиларли даражада оширишга шароит яратади.

Турли мамлакатлар амалиётида кластер сиёсатининг иккита модели ишлаб чиқилган ва фаолият юритмоқда:

АҚШ, Буюк Британия, Австралияда жорий этилган англо-саксон моделининг асосий принципи шундан иборатки, кластер бозор организмидир. Федерал ҳокимиятнинг вазифаси ва роли унинг табиий ривожланишидаги тўсиқларни олиб ташлашдир. Мазкур мамлакатларда кластер сиёсатининг муҳим хусусияти шундан иборатки, бунда асосий ролни минтақавий ҳокимиятлар ва ташкилотлар ўйнайди, улар кластерларнинг асосий иштирокчилари билан биргаликда кластерларни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширадilar. Федерал ҳокимият баъзи ҳолларда пилот лойиҳаларни молиялаштиради ва қўллаб-қувватлайди;

иккинчи гуруҳга «континентал» сиёсат олиб борадиган давлатлар (Япония, Корея Республикаси, Сингапур, Швеция, Франция ва бошқа шу каби баъзи Осиё ва Европа давлатлари) киради. Бу мамлакатларда кластерларни ривожлантириш бўйича фаол давлат («федерал») сиёсати муҳим роль ўйнайди. Ушбу сиёсат устувор кластерларни танлаш, уларни ривожлантириш стратегияларини яратиш, лойиҳалаштириш ҳамда мақсадли дастурларни молиялаштиришгача бўлган босқичларни (масалан, инфратузилмани яратиш, илмий-тадқиқот ва тажриба марказлари ҳамда бошқаларни) ўз ичига олади.⁸

Халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш тизимини ислоҳ қилиш, бунда замонавий бозор механизмлари ва инновацион технологияларни жорий этиш борасида пухта ўйланган дастурий амаллар қўлланилмоқда. Бундай ислоҳотларни кластерлар ва кооперациялар мисолида яққол кўришимиз мумкин.


⁸ Анализ возможностей развития промышленных кластеров и производственной кооперации в Республике Узбекистан. Аналитический доклад. Проект ПРООН и МВЭС Р Уз. «Содействие внешней торговле и продвижению инвестиций в Узбекистан», 2012. www.ced.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалигида кластерлар фаолиятини янада ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишида таъкидлаганидек: «бозор тамойилларига ўтишда кластер тизими муҳим омилдир. Бугунгача мамлакатимизда 73 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилган, ўтган йилги пахта ҳосилининг 73 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келган. Ўртача ҳосилдорлик кластер бўлмаган ерларга нисбатан 4,1 центнерга юқори бўлиб, қўшимча 428 минг тонна пахта олинган.

27 та кластерга пахта етиштириш учун уларнинг қувватига нисбатан кўп ер майдони ажратилгани, 500 минг тонна толани ишлаб чиқариш қувватига эга айрим кластерларга эса етарли миқдорда ер берилмаганлиги аниқланган».⁹

Шуни эътироф этиш зарурки, тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг амалдаги механизми пахта етиштирувчи хўжаликлар ва пахта толасини чуқур қайта ишловчи корхоналарни ташкил қилиш ҳамда тараққий эттириш, шунингдек, тайёр маҳсулотда қўшимча қийматни ошириш жараёнларини етарлича рағбатлантирмапти.

Жаҳон амалиётини таҳлил қиладиган бўлсак, пахта хом ашёсини етиштириш ва чуқур қайта ишлаш жараёнларини тўрт босқичдан иборат қилиб амалга ошириш, бунда 1 кг. пахта хом ашёсини етиштириш 1 доллар, калава ип 2 доллар, мато 7 долларни ташкил этса, эркаклар кўйлаги шаклидаги тайёр маҳсулот 35 долларгача сотилиши мумкин. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда мавжуд арзон меҳнат ва моддий ресурслардан фойдаланиб, корхоналар учун фойдани ошириш имкониятини яратади(1-расм).



1-расм. Пахта хом ашёсини етиштириш ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар бўйича даромадлар таҳлили, (1 кг. пахта хом ашёси нархи, АҚШ \$)¹⁰

Пахта хом ашёсини етиштириш ва чуқур қайта ишлаш жараёнларини пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил этиш воситасида амалга ошириш жаҳон амалиётида тан олинган. Унинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

⁹ Кластерлар фаолиятини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. 2020 йил 4 февраль. <https://president.uz/uz/3342>

¹⁰ М.А.Раҳматов, Б.З.Зарипов. Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. – Т.: «EXTREMUM PRESS», 2018. – 168 б.(б.27)

кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника таъминотини яхшилаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар билан узвий боғлиқлигини таъминлаган ҳолда, соҳани янада ривожлантиришга эътибор қаратиш;

фермер хўжаликлари билан қайта ишловчи корхоналарнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш орқали пахта хом ашёсини чуқур қайта ишлашни ташкил қилиш, қишлоқ жойларда енгил саноат соҳасини янада ривожлантириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳисобига кўшимча қиймат яратиш, тайёр экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда пахта хом ашёсини етиштириш ва қайта ишлаш жараёнидаги барча иштирокчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш;

фермер хўжаликларининг моддий манфаатдорлигини ошириш, пахта хом ашёсини етиштириш жараёнига олдиндан тўловлар тўлиқ миқдорда ўз вақтида ажратилишини таъминлаш;

пахта етиштириш учун ажратиладиган кредитлар салоҳиятли тўлов қобилиятига эга қайта ишлаш корхонасига ажратилиши ва уларнинг қайтарилиши кафолатланиши;

пахта хом ашёсини етиштириш жараёнининг барча иштирокчилари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар ва тўлов интизоми ҳолати яхшиланиши;

пахта хом ашёсини сифатли ва тўлиқ ҳажмларда етиштиришдан фермер хўжаликларининг манфаатдорлиги оширилиши натижасида ушбу жараённи бошқариш учун давлат идораларининг аралашувини қисқариши;

етиштирилган хом ашёнинг тўлиқ қайта ишланиб тайёр маҳсулот сифатида бозорга чиқарилиши, бунинг натижасида экспорт тушумлари ҳажмининг оширилишини таъминлаш учун замин яратиш.


Пахта тозалаш корхонасида қайта ишланган пахта хом ашёси ип-йигирув ва тўқимачилик корхонасида тўлиқлигича чуқур қайта ишлаш учун 4 босқичли тизимнинг яхлитлиги ва афзаллигини Навоий вилояти «ВАХТ TEXTILE» МЧЖ кластери мисолида таҳлил қиламиз(2-расм).

Пахта-тўқимачилик кластеридаги корхоналарда кўшилган қиймат занжирини шакллантириш ва молиялаштириш, уларда пул оқимларини бошқаришнинг таҳлили шуни кўрсатадики, фермер хўжаликларида пахта хом ашёсини етиштириш босқичи, уни ижарадаги пахта тозалаш корхоналарида қайта ишлаш, олинган толани ип-йигирув корхоналарида калава шаклига келтириш, ундан тайёр газмол тўқиш ҳамда тикувчилик маҳсулотлари олишгача бўлган жараёнларни техник-иқтисодий жиҳатдан логистик бошқаришга эришилади.

Тажриба тариқасида пахта хом ашёсини чуқур қайта ишлашни ташкил қилиш Навоий вилоятидаги «ВАХТ TEXTILE» масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилмоқда.

Ушбу мақсадда корхона ҳозирги кунда ҳажми 15,0 млн. долларга тенг «Калава ип ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизация қилиш» лойиҳасини амалга оширмоқда.

КЎШИЛГАН ҚИЙМАТ ЗАНЖИРИ



2-расм. Пахта-тўқимачилик кластерларида юқори қўшилган қийматли махсулот занжирини яратиш ва трансферт баҳони шакллантиришнинг босқичли усулини таклиф этилаётган чизмаси¹¹

¹¹ «BAHT TEXTILE» кластери масъулияти чекланган жамиятининг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Илмий ишда трансферт баҳо тушунчасига муаллифлик таърифи берилди. Бизнинг фикримизча, трансферт баҳо хўжалик юритувчи субъект (фермер хўжалиги, қайта ишлаш, ип йигирув, тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхонаси) ичида бир жавобгарлик марказидан бошқа жавобгарлик марказига ўтказиладиган маҳсулот (материаллар, яримтайёр маҳсулотлар, тайёр маҳсулотлар) ёки иш ва хизматлар баҳосини аниқлаш учун фойдаланиладиган баҳодир.

Трансферт баҳо бозор конъюнктурасига мослашган бўлиши, фойдани самарали соҳаларга йўналтириш имконини бериши зарур. У юқори фойдани солиқлардан имтиёзлар мавжуд бўлган соҳаларга, юқори бўлмаган фойдани эса солиқ юки юқори бўлган соҳаларга йўналтириши лозим.

Хўжалик юритувчи субъектларда ички хўжалик баҳолари ҳисобланган трансферт баҳолардан фойдаланиш мустақил бўлинмаларнинг харажатлар ва даромадларини алоҳида-алоҳида аниқлашга ҳамда баҳолашга имкон беради. Шунингдек, халқаро амалиётда кенг қўлланилаётган трансферт баҳони шакллантириш тамойиллари ва талабларига риоя қилиш пировард натижада корхонанинг бошқарув тизимини шаффоф ва адолатли бўлишини таъминлайди.

Мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига босқичма-босқич қўлланилмоқда. Тадқиқот предметига тааллуқли 8-сонли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти «Операцион сегментлар» деб номланади. Бу стандартда сегментлар фаолиятини тартибга солиш бўйича тушунчалар, тамойиллар ва умумий қоидалар мужассамланган бўлиб, унинг 6-бандида операцион сегментлар санаб ўтилган. Хусусан, уларга даромад келтирмайдиган, бошқарувга тааллуқли бош офис ва айрим бўлинмалар киритилмаслиги таъкидланган.

Шунингдек, операцион сегмент харажатларига қуйидагилар киритилмаслиги белгиланган:

қисқа ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалар бўйича харажатлар (улар сегментнинг асосий фаолияти бўлган ҳоллар бундан мустасно);
даромад (фойда) солиғи;
фавқулодда харажатлар (форс-мажор мажбуриятлари).

Ташқи фойдаланувчилар учун сегментлар бўйича молиявий ҳисобот тузиш Ўзбекистон Республикасининг «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли 1-сонли Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС) асосида амалга оширилади. Унинг 96-бандида шундай дейилади:

«Корхона ҳисоб сиёсатининг фойдаланувчилар учун оптимал усуллари танланганда бошқарувчилар таваккалчиликни баҳолаш имкониятларини ва хўжалик субъектларининг келгусидаги пул маблағлари оқимини назарда тутишлари лозим. Ҳисоб сиёсати қуйидаги ахборотларни ўзида акс эттириши лозим:

96.17. фаолият турларини, жуғрофий сегментларни ҳамда харажатларни

сегментлар ўртасида тақсимлаш усулини белгилаш»¹².

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасида: «Бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбари: ҳисоб сиёсати, ички ҳисоб ва ҳисобот тизимини ишлаб чиқилишини;» таъминлаши белгилаб қўйилган¹³.

Диссертациянинг «**Бошқарув ҳисобида ички хўжалик трансферт баҳоларини шакллантиришнинг амалий масалалари**» деб номланган иккинчи бобида трансферт баҳони шакллантириш бўйича ёндашув ва усулларнинг тавсифи, хўжалик юритувчи субъектларда ички хўжалик трансферт баҳоларини қўллашнинг услубий масалалари, трансферт баҳони шакллантириш усулларининг таҳлили ва уни хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига жорий этиш имкониятлари ёритилган.

Трансферт баҳо сиёсати масаласи бўйича молиячи ва маркетинглар ўртасида уни шакллантиришга нисбатан икки муқобил ёндашув – харажатлар ва қиймат ёндашувлари соҳасида баҳс-мунозара келиб чиқади. Уларнинг моҳиятини очиб бериш, фарқларини қиёслаш мақсадида проф. Б.Хасанов тавсия этган таққослаш усулидан фойдаланишни таклиф этамиз.¹⁴

Трансферт баҳони шакллантиришга нисбатан харажатлар ёндашуви энг синалган ва ишончли ёндашувдир. Унинг асосида реал категория ётади, бу – маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга сарфланадиган харажатлар. Ушбу харажатлар маҳсулот ишлаб чиқаришга ва сотишга сарфланган ҳақиқий харажатлар категорияси орқали ифодаланади ҳамда бухгалтерияда дастлабки ҳужжатлар билан расмийлаштирилади.

Бунинг устига, маълум даражада бу ёндашувнинг нуфузи уни иқтисодий назарияда қўллаб-қувватланиши билан боғлиқ, чунки маҳсулотлар ўртасида харажатларни тўғри тақсимлаш, таннархни шакллантириш ва бошқариш баҳони корхона учун нафлилик нуқтаи назаридан даромад олиш манбаига айлантиради.

Шуни таъкидлаш жоизки, трансферт баҳони шакллантиришга харажатли ёндашувдан воз кечиш корхона менежерларига осон бўлмайди, чунки улар ишлаб чиқаришга янги маҳсулот учун инвестиция қилиш ва баҳони шакллантириш бўйича қарорлар қабул қилингунча, кутилаётган фойдани аниқлашлари лозим.

Трансферт баҳони шакллантиришга харажатли ёндашувни мўлжал қилиб муваффақиятга эришиш ғоят мушкул. Бундай шароитда трансферт баҳони шакллантиришга нисбатан қиймат ёндашувга кўпроқ эътибор бериш лозим.

¹² «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли Ўзбекистон Республикасининг 1-сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 14 августда 474-сон билан рўйхатга олинган. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари тўплами. – Тошкент: «NORMA» нашриёти, 2018. – 368 бет. (б.50)

¹³ «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Халқ сўзи., 2016 йил 14 Апрель. (б.3)

¹⁴ Б.А.Хасанов. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Монография. Т.: «Молия», 2003., б. 154.

Трансферт баҳолар тўғрисида мулоҳаза юритишда унинг бозор баҳолари билан фаркли жиҳатларига эътибор қаратиш лозим. Амалдаги Солиқ кодексининг (2019 йилги янги таҳрири) «Бозор нархлари тўғрисидаги умумий қоидалар» моддасида битимларнинг нархлари, ушбу битимлар тарафларининг даромадлари ва харажатлари бозор нархлари сифатида тан олиниши учун қуйидаги талаблар бажарилиши таъкидланган: мустақил шахслар ўртасидаги битимлар, биржа савдоларининг натижаларига кўра тузилган битимлардаги шартномавий нархлар банди ёки нархларни келишиш баённомаси, солиқ тўловчи солиқ (зарар) суммаларига мустақил тузатиш киритишни амалга оширмаган бўлса ва қонунчиликда кўрсатилган бошқа ҳолатларда бозор нархи деб топилади.¹⁵

Мазкур қонуний ҳужжатда солиқ мақсадлари учун трансферт нархларидан фойдаланиш масалаларига алоҳида VI-бўлим «Трансферт нархни белгилашда солиқ назорати», 5 та боб ва 27 та модда ажратилган. Унга мувофиқ, ўзаро алоқадор тарафлар ўртасидаги битимларда шаклландиган ва (ёки) мустақил шахслар ўртасида битимлар тузилаётганда таққосландиган иқтисодий шароитларда қўлланилиши мумкин бўлган холис тарзда шаклландиган нархдан фарқ қиладиган нарх трансферт нарх деб тушунилади.¹⁶

Иқтисодчи олим Колин Дж. Друри Австралия, Канада ва Буюк Британия давлатларида трансферт баҳонинг қўлланилиши бўйича ижтимоий сўровлар ўтказган. Тадқиқот натижаларига кўра респондентларнинг Австралияда 13%, Канадада 34% ва Буюк Британияда 33%и баҳони шакллантиришнинг бозор тамойиллари асосида ҳисоб юритаётганликларини билдиришган. Тўлиқ харажатларга асосланган усул бўйича харажатларни тақсимлаш ва молиявий натижани аниқлаш Австралияда 65%, Канадада 46% ва Буюк Британияда 27%ни ташкил этган. Тадқиқотчининг таъкидлашича, ички хўжалик баҳоларини шакллантириш ва алоҳида ҳисоб юритишдан иккита мақсад кўзланган:

ҳар бир алоҳида бўлинмаларнинг фаолиятига баҳо бериш;
компаниянинг фойдасини максимал даражада оширишга ҳаракат қилиш.¹⁷

Иқтисодчи олима Соя-Серко А.А. трансферт баҳоларни устидан ўрнатилган солиқ назоратига ишора қилиб, уларни иқтисодий адабиётларда шубҳали ёки ғайриоддий баҳо деб қаралаётганини эътироф этади. Унинг фикрича, трансферт баҳога берилган таъриф ўринли бўлиб, бу ҳолат трансферт баҳоларнинг тижорат мақсадларига эришиш учун бозордан

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири). 176-178 моддалар. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон; 11.03.2020 й., 03/20/607/0279-сон. www.lex.uz/docs/4674902.

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири). 176-178 моддалар. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон; 11.03.2020 й., 03/20/607/0279-сон. www.lex.uz/docs/4674902.

¹⁷ Друри Дж. Колин. Управленческий и производственный учет: - 6-е изд. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012. – с.781-788

ташқарида томонларнинг келишувига мувофиқ аниқланиши ҳамда айнан солиқ юкини пасайтириш мақсадида қўлланилиши билан изоҳланади.¹⁸

Таъкидлаш зарурки, мамлакатимиз Солиқ қонунчилигида трансферт баҳони аниқлаш усуллари белгилаб қўйилган. Бу усуллар қуйидагилардан иборат:

- 1) таққосланадиган бозор нархлари усули;
- 2) кейинги реализация қилиш нархи усули;
- 3) харажат усули;
- 4) таққосланадиган рентабеллик усули;
- 5) фойдани тақсимлаш усули.¹⁹

Трансферт баҳоларини қўллашда таққосланадиган бозор нархлари усулидан фойдаланиш имконияти аниқроқ бўлиб, натижада фойда (даромад) солиғини ҳисоблаш ва тўлашда шаффофликни таъминлайди деб ўйлаймиз. Фикримизча, трансферт баҳони шакллантиришнинг рентабеллик ва фойдани тақсимлаш усулларида амалиётда фойдаланиш қийинчилик туғдиради. Бунинг сабаби, трансферт баҳонинг шаклланиши ва рентабелликни аниқлаш ҳамда фойда тақсимоти жараёнлари ўртасида вақт нуктаи назаридан мавжуд даврийлик таъсир кўрсатади. Бунга таъсир қилувчи яна бир омил шундан иборатки, бу иккала усул ҳам молиявий ёки тижорат битимлари тузилгандан кейин аниқланади. Демак, трансферт баҳони аниқлашнинг бозор баҳосига асосланган усули самаралироқ деб ҳисобланади (1-жадвал).

1-жадвал

«OQ SAROY KLASTER» масъулияти чекланган жамиятида трансферт баҳони шакллантириш бўйича сегментар ҳисоботнинг таклиф этилаётган шакли²⁰

№	Кўрсаткичлар	Харажат млрд.сўм	Салмоғи, %да	Кўрсаткичлар	Даромад млрд.сўм	Салмоғи, %да
1	Пахта хом ашёсини етиштириш харажатлари	268,0	85	Пахта толасини сотиш	274,6	75,5
2	Пахта тозалаш корхонасининг харажатлари	25,0	8	Чигит сотиш	80,3	22,1
3	Ташиш ва сақлаш харажатлари	2,0	0,6	Момик сотиш	7,6	2,1
4	Бошқа харажатлар	20,0	6,4	Пух ва улюк сотиш	1,2	0,3
	Жами:	315,0	100	Жами:	363,7	100
	Зарар (-)			Фойда (+)	48,7	

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «OQ SAROY KLASTER» МЧЖ корхонасида 2020 йилда пахтани кластер усулида етиштиришда жами харажатлар 315,0 млрд. сўмни ташкил этиши, унинг

¹⁸ Соя-Серко А.А. Трансфертное ценообразование: на что нужно обратить внимание аудиторам. www.cyberleninka.ru/article/n/transfertnoe-tsenoobrazovanie-na-chto-nuzhno-obratit-vnimanie-auditoram (мурожаат қилинган сана: 17.04.2020)

¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири). Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон; 11.03.2020 й., 03/20/607/0279-сон. www.lex.uz/docs/4674902.

²⁰ «OQ SAROY KLASTER» МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

асосий қисмини пахта хом ашёсини етиштириш харажатлари 268,0 млрд. сўм (85%), пахта тозалаш корхонасининг харажатлари 25,0 млрд. сўм (8%) ва бошқа харажатлар 20 млрд. сўм(6,4%)дан иборат бўлиши режалаштирилган.

2-жадвал

«NAVBAHOR TEKSTIL» МЧЖ кластерида трансферт баҳо ва қўшилган қиймат занжири бўйича консолидациялашган ҳисоботнинг такомиллашган шакли²¹

Сегментлар ва маҳсулотларнинг номи	Пахта хом ашёсини чуқур қайта ишлаш қўрсаткичлари:								
	Ўл-чов бирлиги	Миқ-дори	Сумма-си (млн. сўм)	Бир-бир-лик-нинг баҳо-си (млн. сўм)	Сумма-си (минг АҚШ дол.)*	Бир-бир-лик-нинг баҳо-си (минг АҚШ дол.)	Фон-зи (%)	Қўшил-ган қий-мат	Яра-тил-ган иш ўр-ни
I. Фермер хўжаликлари: (311га)		311							450
1.1 Ҳосил режаси	тонна	25 434	64 475,2	2,54	6 089,5	0,24			
<i>Харид нархига бонус (20%)</i>	<i>млн. сўм</i>		<i>77 370,2</i>	<i>3,0</i>	<i>7 307,3</i>	<i>0,29</i>			
II. Пахта хом ашёси:								х	
Кутилаётган ҳосил	тонна	25 434,0	77 370,2	3,0	7 307,3	0,29			
III. Пахта хом ашёсини қайта ишлаш		25 434,0	91 409,8		8 633,3			14 040	10
3.1 Тола	тонна	8 774,7	96 522,0	11,0	9 116,2	1,04	34,5		
3.2 Уруғ	тонна	14 497	10 129,3	0,70	956,7	0,07	57,0		
3.3 Линт	тонна	1 297	3 627,7	2,80	342,6	0,3	5,1		
3.4 Улюк	тонна	127	53,2	0,42	5,02	0,04	0,5		
3.5 Момиқ	тонна	687	103,0	0,15	9,7	0,01	2,7		
3.6 Чиқинди (йўқотилиш)	тонна	51					0,2		
3.7 Хизматлар (ҚҚС билан)	млн. сўм	8774,7	14 039,6	1,60	1 326	0,15			
IV. Толани қайта ишлаш								59 867	150
4.1 Ип калава	тонна	7 458,5	137 236,8	18,4	12 961,5	1,7	85,0		
4.2 Чиқинди (йўқотилиш)	тонна	1 316,2	5 264,8	4,0			15,0		
<i>Ип калавани йўналтирилиши:</i>									
4.3 Қайта ишлашга	тонна	3 729,3	68 618,4	18,4	6 480,8	1,7	50,0		
4.4 Экспортга (50%)	тонна	3 729,3	73 839,4	19,8	6 973,8	1,9	50,0		
V. Мато ишлаб чиқариш	тонна	3 692,0	105 221,1	28,5	9 937,8	2,7	99	36 603	100
VI. Бўялган мато ишлаб чиқариш	тонна	3 692,0	111 128,2	30,1	10 495,7	2,8	100	5 907	
VII. Тайёр маҳсулот (мато бўяш ва гул босиш)	минг п.м.	11 210,0	147 000,0	13,1	13 883,6	1,2	х	35 872	200
VIII. Жами сотувга	х	х	234 752,5	х	22 171,6	х	х	152 288	х
Олинган толага нисбатан қўшилган қиймат			2,4		2,4				

Изоҳ. *) 11.06.2021й ҳолатига 1 АҚШ доллар қиймати 10588 сўм ҳисобида олинган.


Жами кластер бўйича режалаштирилган даромадлар 363,7 млрд. сўм бўлиб, шундан, пахта хом ашёсини сотишдан олинадиган даромадлар 274,6 млрд. сўм(75,5%), чигит сотиш 80,3 млрд. сўм(22,1%), момиқ сотиш 7,6

²¹ «NAVBAHOR TEKSTIL» МЧЖ кластери маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

млрд. сўм(2,1%), пух ва улюк сотиш 1,2 млрд. сўм(0,3%) даромад олиними кутилган(1-жадвал).

Жадвал маълумотлари асосида кластер корхоналари ҳисобот даврида 234 752,5 млн. сўмлик (22 171,6 минг АҚШ долларида) тайёр маҳсулот ишлаб чиқарган. Бунда пахта хом ашёсининг дастлабки қийматига нисбатан ($234\,752,5 : 96\,522,0 \times 100\% = 243\%$) 2,4 марта янгидан яратилган қўшилган қийматга гувоҳ бўламиз(2-жадвал).

Таҳлилларнинг кўрсатишича, трансферт баҳоларини бозор баҳолари асосида аниқлаш усули бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда, айниқса, кенг тарқалган. Бозор баҳолари объектив иқтисодий қонунлар асосида шаклланади, шу боис улар менежерларнинг малакалари ва манфаатларига бевосита боғлиқ бўлмайди. Пировардида бу усул корхонада яримтайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, уни кейинги босқичга ўтказиш билан бирга, маҳсулотни чуқур қайта ишлаш натижасида қўшилган қиймат яратиш орқали кластер ёки кооперация иштрокчиларининг манфаатларини ифода этади.



3-расм. «NAVBAHOR TEKSTIL» МЧЖ кластери сегментларида қўшилган қиймат занжири ва трансферт баҳонинг шаклланиши динамикаси таҳлили, (млн.сўмда)²²

²² «NAVBAHOR TEKSTIL» МЧЖ кластери маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

«NAVBAHOR TEKSTIL» МЧЖ кластерида қўшилган қиймат занжири ва трансферт баҳонинг шаклланиши динамикаси таҳлили гистограммада акс эттирилган(3-расм).

Эътироф этилаётган усул жавобгарлик марказлари (инвестиция ва фойда маркази) томонидан мол юборувчи, харидор ва буюртмачиларни танлаш ҳукуқи ихтиёрий бўлган ҳолда, субъектлар марказлашмаган шароитда қўлланилса самара беради.

Бошқарув ҳисоби соҳасидаги таниқли мутахассис Вахрушина М.А. трансферт баҳони аниқлаш мақсадида бошқача таснифни таклиф этади:

трансферт баҳоларини бозор баҳолари асосида аниқлаш;

харажатлар асосида трансферт баҳони аниқлаш (ўзгарувчан харажатлар ёки тўлиқ таннарх) «харажат – плюс» тамойилига мувофиқ;

шартнома нархлари асосида трансферт баҳони белгилаш (бозор конъюнктураси ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) харажатлари таъсирида шаклланган трансферт баҳоси асосида).²³

Иқтисодчи олималар Кузнецова Е.В. ва Воронкова Н.Ю.ларнинг трансферт баҳоларни аниқлаш усуллари қиёсий таҳлиliga бағишланган асарида фақат тўртта усул(таққосланадиган бозор баҳолари усули; харажатларга асосланган усул; шартномавий баҳолар усули; фойда (зарар) таҳлили усули)ни устунликлари ва камчиликларини таққослаб кўрсатганлар.


Тадқиқот ишида трансферт баҳони шакллантиришда натижавий омилга бир қатор омиллар таъсирини ўрганиш мақсадида кўп омилли эконометрик регрессион модель тузиш таклиф этилган. Кўп омилли эконометрик модель тузишда қуйидаги омиллар танлаб олинган: натижавий омил - кластернинг соф фойдаси, млн. сўм(Y), таъсир этувчи омиллар - кластерда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси % (X_1), кластерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши (X_2), кластерда ишловчилар сонининг ўзгариши (X_3), кластернинг буюртмалар билан таъминланганлик даражаси % (X_4) ва кредит олишнинг осонлиги (X_5).

Илмий ишда таъсир этувчи омиллар ва вақт омилли ўртасида тузилган тренд моделлар таҳлили натижасида тренд моделлардаги барча ҳисобланган коэффициентларнинг статистик аҳамиятлилиги, параметрларининг ишончлилиги аниқланган. Демак, тренд моделларини ҳисоблаб, уларнинг ҳисобланган қийматларини математик кўринишини кўп омилли эконометрик моделга қўйиб, аввало таъсир этувчи омилларнинг прогноз қийматлари, кейин эса натижавий омилни прогноз ҳисоб-китоблари амалга оширилган.

